



## LEGAL REGULATION OF ENERGY SECURITY: THE UZBEK MODEL AND INTERNATIONAL EXPERIENCE

*Dilmurod Valijanov*

*Senior assistant of the prosecutor of Namangan region*

*Law enforcement Academy of Uzbekistan*

*Uzbekistan*

*E-mail: [valikouz@icloud.com](mailto:valikouz@icloud.com)*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** energy security, legal regulation, legal mechanisms, energy efficiency, renewable energy, state control, prosecutor's control, crimes in the field of energy, legal frameworks, international standards.

**Received:** 01.05.25

**Accepted:** 03.05.25

**Published:** 05.05.25

**Abstract:** The article analyzes the theoretical and legal aspects of the mechanisms for regulating energy security. The novelty of the research lies in the comprehensive analysis of legal mechanisms for ensuring energy security, state and prosecutorial supervision, as well as criminal law instruments. Based on comparative legal analysis, proposals and recommendations for improving the legislation of the Republic of Uzbekistan have been developed. The conclusion presents conceptual approaches to enhancing the legal foundations of energy security.

## ЭНЕРГЕТИКА ХАВФСИЗЛИГИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ: ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

*Дилмурод Валижанов*

*Наманган вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси*

*Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси Ўзбекистон*

*Ўзбекистон*

*E-mail: [valikouz@icloud.com](mailto:valikouz@icloud.com)*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** энергетика хавфсизлиги, ҳуқуқий тартибга солиш, ҳуқуқий механизмлар, энергия самарадорлиги, қайта тикланувчи энергия, давлат назорати, прокурор назорати, энергетика соҳасидаги жиноятлар, ҳуқуқий асослар, халқаро стандартлар.

**Аннотация:** Мақолада энергетика хавфсизлигини ҳуқуқий тартибга солиш механизмларининг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари таҳлил қилинган. Тадқиқотнинг янгилиги энергетика хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмлари, давлат ва прокурор назорати, жиноий-ҳуқуқий воситаларни комплекс таҳлил

қилишдан иборат. Қиёсий-ҳуқуқий таҳлил натижалари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Хулоса қисмида энергетика хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича концептуал ёндашувлар тақлиф этилган.

## ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ЭНЕРГЕТИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ: УЗБЕКСКАЯ МОДЕЛЬ И МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ

*Дилмурод Валижанов*

*Старший помощник прокурора Наманганской области*

*Академия правоохранительных органов Узбекистана*

*Узбекистан*

*E-mail: [valikouz@icloud.com](mailto:valikouz@icloud.com)*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** энергетическая безопасность, правовое регулирование, правовые механизмы, энергоэффективность, возобновляемые источники энергии, государственный контроль, прокурорский контроль, преступления в сфере энергетики, правовые основы, международные стандарты.

**Аннотация:** В статье проанализированы теоретико-правовые аспекты механизмов правового регулирования энергетической безопасности. Новизна исследования заключается в комплексном анализе правовых механизмов обеспечения энергетической безопасности, государственного и прокурорского надзора, а также уголовно-правовых средств. На основе сравнительно-правового анализа выработаны предложения и рекомендации по совершенствованию законодательства Республики Узбекистан. В заключительной части предложены концептуальные подходы к совершенствованию правовых основ обеспечения энергетической безопасности.

### КИРИШ

Замонавий жаҳон иқтисодиётида энергетика хавфсизлиги мамлакатларнинг миллий хавфсизлигининг муҳим элементларидан бирига айланиб бормоқда. Глобал иқлим ўзгариши, энергия ресурсларининг чекланганлиги, аҳоли сонининг кўпайиши ва энергияга бўлган талабнинг ортиб бориши шароитида энергетика хавфсизлигини таъминлаш масалалари долзарб аҳамият касб этмоқда. Жаҳон энергетика кенгаши маълумотларига кўра, "2030 йилгача глобал энергия талаби камида 25-30% га ошиши кутилмоқда" (International Energy Agency, 2023). Ушбу вазиятда энергетика хавфсизлигини

таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш мамлакатларнинг устувор вазифаларидан бирига айланмоқда.

Энергетика хавфсизлиги тушунчаси турли олимлар ва халқаро ташкилотлар томонидан турлича талқин қилинади. Йергин (2011) таъкидлаганидек, "Энергетика хавфсизлиги тушунчаси, миллий иқтисодиётни ишончли ва барқарор нархларда энергия ресурслари билан таъминлаш зарурати доирасида шаклланди". Совакул ва Браун (2010) эса энергетика хавфсизлигини баҳолашнинг тўрт асосий мезонини таклиф этадилар: мавжудлик (availability), қулайлик (accessibility), қимматбаҳолик (affordability) ва мақбуллик (acceptability). Халқаро энергетика агентлиги энергетика хавфсизлигини "энергия манбаларининг узлуксиз, оқилона нархларда мавжудлиги ва атроф-муҳитга зарар етказмаслик шартлари асосида таъминланиши" сифатида таърифлайди.

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида "энергетика хавфсизлиги" тушунчаси ҳали аниқ таърифланмаган ва унинг таркибий қисмлари белгиланмаган. Шу боис, мазкур соҳадаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда қатор муаммолар юзага келмоқда. Нуралиев (2022) таъкидлаганидек, "энергетика хавфсизлигига таҳдидларнинг таснифи яратилмаганлиги сабабли 2020-2022 йилларда Ўзбекистонда содир бўлган 17 та йирик энергетика объектлари билан боғлиқ авария ҳолатларини олдини олиш имконияти йўқолган".

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сон Фармонида мамлакатда "яшил" иқтисодиётни ривожлантириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини кенгайтириш ва энергия самарадорлигини ошириш вазифалари белгиланган бўлиб, уларни амалга ошириш энергетика хавфсизлигини таъминлашнинг мустақам ҳуқуқий асосларини яратишни талаб этади.

Ушбу мақоланинг мақсади энергетика хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини тадқиқ этиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш йўллари таклиф этишдан иборат. Мақолада энергетика хавфсизлигининг назарий-ҳуқуқий асослари, соҳада давлат назорати ва прокурор назоратининг самарадорлигини ошириш, жиноий-ҳуқуқий воситаларни такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинади.

### **ТАДҚИҚОТНИНГ УСУЛЛАРИ**

Тадқиқотда илмий билишнинг умумий ва махсус усулларидан фойдаланилган. Умумий усуллар сифатида тизимли таҳлил, тарихий, мантиқий ва статистик усуллар қўлланилган. Тизимли таҳлил усули энергетика хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини яхлит тизим сифатида ўрганиш имконини берди. Тарихий усул энергетика

хавфсизлиги тушунчасининг ривожланиш тарихини ўрганишда қўлланилди. Мантикий усул эса тадқиқот натижаларини умумлаштириш ва хулосалар чиқаришда қўлланилди.

Махсус усуллар сифатида қиёсий-ҳуқуқий, формал-юридик ва ҳуқуқий моделлаштириш усуллари қўлланилган. Қиёсий-ҳуқуқий усул Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатларнинг (Скандинавия давлатлари, Россия Федерацияси ва Қозоғистон) энергетика хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги қонунчилигини қиёслаш имконини берди. Формал-юридик усул норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш ва уларнинг мазмунини аниқлашда қўлланилди. Ҳуқуқий моделлаштириш усули эса Ўзбекистон Республикасининг энергетика хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги қонунчилигини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда қўлланилди.

Тадқиқотнинг эмпирик базасини Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, хорижий давлатларнинг қонунчилиги, расмий статистик маълумотлар, ҳамда соҳа мутахассисларининг илмий ишлари ташкил этади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Электр энергетикаси тўғрисида», «Энергияни тежаш, ундан оқилона фойдаланиш ва энергия самарадорлигини ошириш тўғрисида», «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида», «Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида»ги қонунлари, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари таҳлил қилинди.

## **НАТИЖАЛАР**

### **3.1. Энергетика хавфсизлигининг назарий-ҳуқуқий асослари**

Энергетика хавфсизлиги тушунчасининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу тушунча замонавий дунёда комплекс ва кўп қиррали мазмунга эга. Тадқиқот натижасида энергетика хавфсизлигига қуйидаги муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди: "энергетика хавфсизлиги – мамлакатда фуқаро, жамият ва давлатнинг ёқилғи-энергия ресурсларига бўлган эҳтиёжларини техник ва иқтисодий жиҳатдан мақбул энергия манбалари билан барқарор таъминлаш ҳамда хавфларни олдини олиш, бошқариш ва бартараф этишда ҳимояланганлик ҳолати".

Ўзбекистон Республикасида энергетика хавфсизлигини ҳуқуқий тартибга солиш масалалари таҳлил қилинганда, қатор муаммолар аниқланди:

1. "Энергетика хавфсизлиги" атамаси 12 та қонун ҳужжатларида акс этган бўлса-да, мазкур атама тушунчаси ва унинг таркибий қисмлари бирон бир қонун ҳужжатларида аниқ таърифланмаган.

2. Энергетика хавфсизлигига таҳдидлар таснифининг мавжуд эмаслиги сабабли бу таҳдидларга қарши чоралар механизмини яратиш қийинлашмоқда.

3. Энергетика хавфсизлигини таъминлаш механизмлари тўлиқ ишлаб чиқилмаган, хусусан, мониторинг ва назорат тизими, таҳдидларга қарши чоралар тизими етарлича ривожлантирилмаган.

4. Ўзбекистон қонунчилиги энергетика хавфсизлиги соҳасидаги халқаро стандартлар ва тажрибаларга тўлиқ мослашмаган. Д.А. Назаров (2023) тадқиқотида кўра, Ўзбекистон қонунчилигининг МАГАТЭ стандартларига мувофиқлик даражаси 67% ни ташкил этади.

5. Энергетика хавфсизлигини таъминлаш билан шуғулланадиган давлат органлари ўртасида ваколатлар тақсимотидаги ноаниқликлар мавжуд.

### **3.2. Энергетика хавфсизлиги соҳасида давлат ва прокурор назорати**

Энергетика хавфсизлиги соҳасида давлат назорати ва прокурор назоратини такомиллаштириш борасида сўнгги йилларда қатор муҳим қадамлар қўйилган. 2024 йил 23 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ёқилғи-энергетика тармоғида давлат назорати тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-118-сон Фармони қабул қилинди. Ушбу фармонга мувофиқ, Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси (Ўзэнергоинспекция) Вазирлар Маҳкамаси бўйсунувига ўтказилди.

Прокурор назоратини такомиллаштириш борасида ҳам муҳим қадамлар қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 13 февралдаги "Ёқилғи-энергия ресурсларидан фойдаланиш соҳасида давлат назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-54-сон қарори асосида Бош прокурорнинг ёқилғи-энергия ресурсларидан фойдаланиш соҳасида қонунчиликка риоя этилиши ва унинг ижроси устидан назоратни амалга оширишга масъул бўлган ўринбосари лавозими киритилди.

Бироқ, соҳада қатор муаммолар ҳам мавжуд:

1. Ёқилғи-энергетика соҳасидаги қонун бузилиши ҳолатларини аниқлаш ва бартараф этиш имконини берувчи замонавий "Энергоназорат" электрон тизими тўлиқ яратилмаганлиги.

2. Энергетика инфратузилмасини мониторинг қилиш, энергия йўқотишларини назорат қилиш ва соҳадаги қонунбузарликларни аниқлаш механизмларининг такомиллаштирилмаганлиги.

3. Ҳуқуқни қўллаш амалиётида айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларнинг аниқ эмаслиги, электр энергия ва газдан қонунга хилоф равишда фойдаланиш ҳолатлари бўйича қонунларни қўллаш амалиётида юзага келаётган муаммолар.

### **3.3. Энергетика хавфсизлигини ҳимоя қилишда жиноий-ҳуқуқий воситалар**

Энергетика хавфсизлигини таъминлашда жиноий-ҳуқуқий воситалар муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқот натижасида қуйидаги муаммолар аниқланди:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига энергетика хавфсизлигига таҳдид солувчи жиноятлар тизимлаштирилмаган ва тарқоқ ҳолда жойлаштирилган.

2. Ўзбекистон жиноят қонунчилигида энергетика объектларининг хавфсиз ишлашини таъминлашга доир мажбуриятларни бажармаслик учун алоҳида жиноий жавобгарлик белгиланмаган.

3. Энергетика объектларига нисбатан кибер ҳужумлар учун жиноий жавобгарлик масаласи аниқ белгиланмаган.

## **МУҲОКАМА**

### **Энергетика хавфсизлигининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш**

Ўзбекистон Республикасининг энергетика хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги қонунчилигини такомиллаштириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. "Энергетика хавфсизлиги тўғрисида"ги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш. Ушбу қонунда "энергетика хавфсизлиги" тушунчаси ва унинг таркибий қисмлари аниқ таърифланиши, энергетика хавфсизлигига таҳдидлар таснифи белгиланиши, энергетика хавфсизлигини таъминлаш механизмлари аниқлаштирилиши, энергетика хавфсизлиги соҳасида давлат органларининг ваколатлари аниқ белгиланиши лозим.

2. "2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг энергетика хавфсизлигини таъминлаш концепцияси"ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. Концепцияда энергетика хавфсизлигини таъминлашнинг стратегик мақсадлари, йўналишлари, босқичлари ва механизмлари, шунингдек, концепцияни амалга ошириш учун зарур молиявий ресурслар аниқ белгиланиши лозим.

3. Энергетика соҳасидаги қонунчиликни халқаро стандартларга мослаштириш. Атом энергетикаси соҳасидаги қонунчиликни МАГАТЭ стандартларига, қайта тикланувчи энергетика соҳасидаги қонунчиликни Халқаро қайта тикланувчи энергетика агентлиги (IRENA) тавсияларига мослаштириш зарур.

4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига "Ёқилғи-энергетика комплекси объектларининг хавфсиз ишлашини таъминлашга доир мажбуриятларни бажармаслик" деб номланувчи янги модда киритиш. Ушбу моддада энергетика объектларининг хавфсизлигини таъминлаш учун ваколатли бўлган мансабдор шахсларнинг ўз хизмат вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарлик белгиланиши лозим.

5. Дания ва Финляндия тажрибасидан келиб чиқиб, энергетика объектларига нисбатан кибер ҳужумлар учун жавобгарликни кучайтириш. Бунинг учун Жиноят кодексининг "Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар" бобида "Энергетика

объектларининг ахборот тизимларига қасддан зарар етказиш" деб номланган қилмиш учун алоҳида моддани киритиш зарур.

6. Қайта тикланувчи энергия манбаларини рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш. Бу борада Германия ва Дания тажрибасидан фойдаланиб, "яшил тариф" механизмини такомиллаштириш ва унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш лозим.

### **Энергетика хавфсизлиги соҳасида давлат ва прокурор назоратини такомиллаштириш**

Энергетика хавфсизлиги соҳасида давлат назорати ва прокурор назоратини такомиллаштириш масалалари юзасидан қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

1. Соҳада прокурор назоратини тизимли тўғри йўлга қўйиш ва самарадорлигини ошириш мақсадида Бош прокурорнинг "Энергетика соҳасида прокурор назорати самарадолигини янада ошириш тўғрисида" соҳавий буйруғини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш.

2. "Энергоназорат" платформасини такомиллаштириш, унинг имкониятларини кенгайтириш, энергия ресурслари истеъмолини масофавий назорат қилиш бўйича тезкор мониторинг ўтказиш имкониятини яратиш.

3. Ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва энергия самарадорлигини ошириш бўйича мавжуд норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш.

4. Назорат ва ҳисоботларни юритиш жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш.

5. Ҳар бир туман (шаҳар) кесимида энергия балансини ишлаб чиқилиши ва унда белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилишини таъминлашни мониторинг қилиб боришни рақамлаштириш.

### **ХУЛОСА**

Энергетика хавфсизлигини таъминлаш ҳар қандай давлатнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Тадқиқот натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Энергетика хавфсизлиги тушунчаси қонунчиликда аниқ таърифланиши лозим. Бунинг учун "Энергетика хавфсизлиги тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш ва унда энергетика хавфсизлиги тушунчаси, унга таҳдидлар, таъминлаш механизмлари, шунингдек, соҳадаги давлат органларининг ваколатларини аниқ белгилаш лозим.

2. Энергетика хавфсизлигини таъминлашда давлат ва прокурор назоратининг самарадорлигини ошириш учун "Энергоназорат" тизимини такомиллаштириш, соҳадаги мониторинг механизмларини ривожлантириш, назорат ва ҳисоботларни юритиш жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш зарур.

3. Энергетика хавфсизлигини ҳимоя қилишда жинойт-ҳуқуқий воситаларни такомиллаштириш учун Жиноят кодексига "Ёқилғи-энергетика комплекси объектларининг

хавфсиз ишлашни таъминлашга доир мажбуриятларни бажармаслик" ва "Энергетика объектларининг ахборот тизимларига қасдан зарар етказиш" каби янги моддаларни киритиш лозим.

4. Халқаро тажрибани ўрганиш Скандинавия давлатлари, Россия Федерацияси ва Қозоғистон Республикасининг энергетика хавфсизлигини таъминлаш борасидаги қонунчилик тизимлари ва амалиётини таҳлил қилиш асосида Ўзбекистон учун яхлит энергетика қонунчилиги тизимини яратиш, энергетика бозорини тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш, маҳаллий ҳокимият органлари ваколатларини кенгайтириш, экологик талабларни кучайтириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш лозим.

5. Энергетика хавфсизлигини таъминлашда давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги, энергетика соҳасида инновацияларни рағбатлантириш, минтақавий энергетика ҳамкорлигини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Cherp, A., & Jewell, J. (2014). The concept of energy security: Beyond the four As. *Energy Policy*, 75, 415-421.
2. International Energy Agency. (2023). *World Energy Outlook 2023*. Paris: IEA Publications.
3. Jørgensen, B. H. (2022). Energy Security in Small States: The Danish Experience. *Nordic Journal of Energy Policy*, 15(2), 67-82.
4. Müller, K. (2023). Energy Efficiency as the First Fuel for Energy Security. *Energy Efficiency Journal*, 15(3), 89-103.
5. Nilsson, L. (2021). *The Swedish Model of Energy Security*. Stockholm: Stockholm University Press.
6. Sovacool, B. K., & Brown, M. A. (2010). Competing Dimensions of Energy Security: An International Perspective. *Annual Review of Environment and Resources*, 35, 77-108.
7. Winzer, C. (2012). Conceptualizing energy security. *Energy Policy*, 46, 36-48.
8. Yergin, D. (2011). *The Quest: Energy, Security, and the Remaking of the Modern World*. New York: Penguin Press.
9. Филиппов, С. (2022). Стратегические приоритеты обеспечения энергетической безопасности России. *Энергетическая политика*, 5(171), 24-35.
10. Мустафакулов, Ш. М. (2020). Ўзбекистонда энергетика хавфсизлигини таъминлаш масалалари. *Иқтисодиёт ва молия*, 3, 45-52.
11. Нуралиев, Б. К. (2022). Энергетика хавфсизлигига таҳдидлар таснифи. *Хавфсизлик ва ҳуқуқ*, 3, 87-96.



12. Назаров, Д. А. (2023). Атом энергетикаси соҳасидаги қонунчиликни халқаро стандартларга мослаштириш масалалари. Халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик, 5, 105-115.
13. Раҳимов, Л. Н. (2023). Энергетика хавфсизлиги соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш масалалари. Ҳуқуқшунослик, 2, 73-80.
14. Саидов, Т. Б. (2023). Ўзбекистон Республикаси энергетика қонунчилигидаги муаммолар. Ҳуқуқ ва бошқарув, 6, 50-58.
15. Турсунов, Р. Ю. (2021). Қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш — энергетика хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омили. Иқтисодиёт ва таълим, 5, 110-117.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сон Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон.
17. Ўзбекистон Республикасининг "Электр энергетикаси тўғрисида"ги Қонуни, 07.08.2024 й., ЎРҚ-939-сон. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.08.2024 й., 03/24/939/0567-сон.
18. Ўзбекистон Республикасининг "Энергияни тежаш, ундан оқилона фойдаланиш ва энергия самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Қонуни, 07.08.2024 й., ЎРҚ-940-сон. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.08.2024 й., 03/24/940/0568-сон.
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ёқилғи-энергетика тармоғида давлат назорати тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, 23.08.2024 й., ПФ-118-сон. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.08.2024 й., 06/24/118/0642-сон